

Katta yoshdagi ta'lim oluvchilardan ular bilgan narsalar haqida so'lashdan osoni yo'q. Masalan, huquq buzulishiga oid hayotiy tajribalar, muammoli vaziyatlar va hattoki kazuslarning real muallifi desak xato bo'lmaydi. Chunki katta yoshdagi ta'lim oluvchilarda hayotiy tajribalar rivojlangan bo'ladi. Katta yoshdagi ta'lim oluvchilarda interfaol metodlarni qo'llab dars o'tishdan ko'ra, kazuslarni qisqa fursatda bajarish bosqichi ancha samarali natijaga erishadi. Lekin ularning interfaol metodlar asosida darsda diqqat e'tiborini jalb etish va mavzuni mustahkamlash dars sifatini ijobiy ko'rsatkichga ega bo'lishiga olib keladi. Masalan "1 daqiqa", "Intervyu", "Muzyorar", "Direbus", "Kataklarni to'ldir", "Venn diagrammasi", "Aqliy hujum", "Case study" kabi qiziqarli metodlar ta'lim oluvchilarga beg'ubor bolalik dars jarayonidagi taassurotlarni hosil qiladi.

Xulosalar shuni ko'rsatadiki, so'nggi o'n yilliklar mobaynida jamiyatda mehnat qilayotgan fuqarolar uchun takroriy (uzluksiz) o'qitish, qayta tayyorlash yoki hatto kasbini o'zgartirish zarurati va imkoniyati, shuningdek, o'qitish imkoniyatlari va ehtiyojlari ortishi munosabati bilan andragogiyaga e'tibor doimiy ravishda oshib bormoqda. madaniy talablarning ko'payishi munosabati bilan kattalarni qayta tayyorlash, sog'lom turmush tarzining tarkibiy qismi sifatida maqsadli o'rganish va yangi narsalarni o'rganish zarurligi to'g'risida xabardorlik va boshqalar, shuning uchun nafaqat kattalar ishlaydigan fuqarolarni o'qitish uchun kurslar va hatto fakultetlar ochiladi; balki pensionerlar uchun mo'ljallangan ta'lim muassasalarining tashkil etilishi bu doimiy go'zal hayotning bardavom bo'lishiga olib keladi.

Adabiyotlar:

1. Keillor, C. & Littlefield, J. Engaging Adult Learners with Technology. Library Technology Conference: Macalester College. (2012).
2. Malcolm S. Knowles - The Adult Learner: A Neglected Species (1973).
3. Rubenson, K. Adult Learning and Education. Saint Louis, Mo.: Academic Press. (2011).

СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТРЕНЕР-ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бегимкулов Зариф Ахмадович,

*Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти Самарқанд филиали ассистенти*

Нарзиева Наргиза Норкузиевна,

*Самарқанд ветеринария медицинаси институти, гуманитар фанлар,
маданият ва жисмоний тарбия кафедраси мудири, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори(PhD).*

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда спорт таълим тизимига жорий этилаётган ўзгаришлар ва янгиликлар жараёнида спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш жиҳатлари баён этилган.

Калим сўзлар: шакл, метод, жисмоний тарбия, спорт, педагог, тренер-ўқитувчи, маҳорат, таълим-тарбия, урф-одат, малака, касбий тайёргарлик, компетентлик, ижтимоий-маданий компетентлик.

Аннотация: В статье изложены аспекты развития социокультурной компетентности тренера-преподавателя по видам спорта в процессе изменений и нововведений, вносимых в систему спортивного образования в нашей стране.

Ключевые слова: форма, метод, физкультура, спорт, воспитатель, тренер-воспитатель, мастерство, образование-воспитание, обычай, квалификация, профессиональная подготовка, компетентность, социокультурная компетентность.

Annotation: The article describes aspects of the development of socio-cultural competence of a coach-teacher in sports in the process of changes and innovations introduced into the system of sports education in our country.

Key words: Form, method, physical education, sports, pedagogy, trainer-teacher, skill, education, tradition, qualification, professional training, competency, socio-cultural competence.

Мамлакатимизда спорт таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмунини, шакл ва методлар самарадорлигини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни юқори даражада бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрлаш, замонавий таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмонан чиниқтириш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини халқаро малака талаблари асосида ташкил этиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунининг 36-моддасида “Тегишли маълумотга ва касбий тайёргарликка эга бўлган шахсларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, шу жумладан даволаш жисмоний тарбияси соҳасида педагогик фаолият билан шуғулланишига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади”[1], деб белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддасида “Тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Магистратурани тамомлаган шахслар ва дипломли мутахассислар ўз мутахассислиги бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга”[2] эканлиги қайд этилган.

Маълумки, бугунги тараққиёт ҳар бир тренер-ўқитувчидан ижодкорликни, малака ва тажрибани тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчи бугунги кунда узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, вазиятга кўра ўз касбига бўлган муносабатларини ўзгартириши, шунингдек, ўз шогирдларида ҳам инновацион ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши, юксак тараққий этиб бораётган бугунги фан-техника ютуқларига ҳар доим ҳозиржавоб бўлиши, улардан машғулот жараёнида самарали фойдалана олиши зарур.

Спорт таълим тизимида самарали фаолият юритиш учун ҳар бир тренер-ўқитувчи юқори педагогик маҳорат ва кенг дунёқарашга эга бўлиши керак. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун тренер-ўқитувчи ўз мутахассислиги(танланган спорт тури)ни чуқур билиши билан бирга педагогик ва психологик билимлар, технология ва ўқитиш методикаларига доир зарур педагогик билимларни пухта эгаллаган, атрофимизда, дунёда содир бўлаётган воқеалар, соҳадаги янгиликлардан ҳам яхши хабардор бўлиши шарт.

Мураббийлик фақат машғулот ўтишдангина иборат касб эмас, балки шахсни шакллантирувчи ва ёш спортчиларда инсонийлик туйғуларини таркиб топтиришдек олий мақсадни бажаришдан иборат. Шу нуқтаи назардан, бугунги тренер-ўқитувчи зиммасига улкан масъулият юклатилган. Замонавий тренер-ўқитувчи ижтимоий фаол, қобилиятли, маънавий бой ва маданиятли, инновацион ғояларга интилувчан бўлиши, янгиликлар ярата олиши ва албатта, ўз шогирдларини севиши лозим. Бунга эришиш тренер-ўқитувчидан юксак билим ва педагогик маҳоратни талаб қилади.

Спорт мактаблари ўқувчиларининг ёши, танлаган спорт тури, индивидуал-психологик ҳамда психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга, ўз Ватанига, халқига, она ерига, миллатига, ота-онасига содиқлик руҳида тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантиришга йўналтирилган тизимли ишларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади[3]. Бугунги кунда замонавий тренер-ўқитувчи танланган спорт тури бўйича машғулотни ўтиши билан бирга миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни ўз шогирдлари онгига сингдириб бориши зарур. Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчи миллий қадрият ва анъаналарни, ўтмиш меросни чуқур билиши, бой маданий тарихимизни ўрганиш орқали ўз шогирдлари онгида шу юрт тарихи, бугуни ва келажагига ҳурмат-эҳтиром, ишонч, ғурур уйғотиши керак. Шу билан бир қаторда у ижтимоий-ғоявий жиҳатдан етуклик, ижтимоий фаоллик, фаол фуқаролик позицияси каби сифатларга ҳам эга бўлиши зарур.

Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчи машғулот ўтказиш жараёнида интерфаол усул ва методларни қўллашда биринчи навбатда ўз

шогирдларининг ёш интеллектуал салоҳиятини эътиборга олиши муҳимдир. Амалиётдан маълумки, бу ёшдаги ўқувчи-спортчилар муайян маънода ўз фикрига, ўз дунёқарашига эга бўладилар. Бу тренер-ўқитувчининг алоҳида эътибор ва машғулотларга ўзгача ёндашув асосида тайёрланишни талаб этади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ютуқлар кўп жиҳатдан спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг компетентлик даражаларига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш иш фаолиятида самарадорликни таъминлаш, ўз касбий маҳоратини юксалтириш учун масъулият ҳиссини янада ошириш, ҳар қандай муаммо моҳиятини билиш, уни ҳал қилиш, ўз билимини тинимсиз янгилаб бориш, ўзида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўналтирилган янги касбий тафаккурни шакллантириш, энг янги ахборотлардан хабардор бўлиш каби сифатлар бўлишини тақозо этади.

Компетенция – у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик[4]. “Компетенция” (лот. компето – эришяпман, муносибман, лойиқман) – 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба[5].

Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг компетентлиги-билимдонлик, танлаган касбига мослик, малакалилик, тажрибалилик, масъулиятлиликни фаолиятига сингдириб бориш саналади. Бу ўз соҳасини, ишининг устаси бўлиш, соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш демакдир. Шунингдек, компетентлик спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг маънавий дунёқараши, психологик-педагогик ва ташкилий технологик салоҳиятини, маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритишга имкон берадиган билимга эга бўлиш, далил-исботли фикр, муайян соҳада кишининг савиясини ифодалайди.

Ижтимоий-маданий компетентлик бу - спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг жамиятимизда юз бераётган ижтимоий, маънавий-маърифий ўзгаришлар юзасидан изланишлар олиб бориши, таълим-тарбия жараёнини жамиятимизда юз бераётган ижтимоий, маънавий-маърифий ўзгаришлар асосида ташкил этишидир.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлигининг ривожлантиришни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- ўз мутахассислиги бўйича билимини мунтазам равишда бойитиб бориш, эгаллаган малакаларини такомиллаштиришга доимо тайёр бўлиш, соҳада бўлаётган янгиликлардан бохабар бўлиш;

- машғулот жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш кўникма ва малакасига эга бўлиш;

- иш фаолияти давомида соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув адабиёти ва қўшимча манбалардан тўғри фойдалана олиш;
- чуқур касбий билимдонлик, вазиятни ўз вақтида ва тўғри баҳолай олиш, ижодкорлик, мулоҳазалилик, кучли хотира ва мустақил фикрлаш лаёқатига эғалик, мантиқий хулоса чиқара олиш;
- ижодкор, кенг тасаввур, дунёқараш ва тафаккур, юқори даражада ҳиссий ўз-ўзини бошқариш лаёқатига эга бўлиш;
- ўз фикрини тўғри ва таъсирчан баён қила олиш, нутқининг таъсирчан бўлиши, хушмуомалалилик, ҳозиржавоблик, самимийлик, ўзгалар фикрини тинглай олиш, мустақил фикрга эга бўлиш;
- қатъиятлилиқ, журъатлилиқ, шижоатлилиқ, мардлик, жасурлик, тартиб-интизомлилиқ, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда оқилона қарорлар қабул қила олиш;
- сўзлаш санъати, нотиклик маданияти, таъсир эта олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ҳар бир шогирдига индивидуал ёндашиш;
- машғулот жараёнини илғор тажрибалар асосида бойитиб бориш орқали унинг самарадорлигини ошириш ва дунё талаблари даражасига олиб чиқиш;
- компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотга методик тайёрланиш, қўшимча ахборотларни излаш ва тизимлаштириш кўникмасига эга бўлиш;
- ўз устида ишлаш, илмий изланишлар олиб бориш, янгиликларни ўз вақтида олиб, ўз вақтида етказиб бериш кўникмасига эга бўлиш;
- ўз шогирдларининг ички дунёсига кира олиш, спортчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини тушуна билиш;
- ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;
- турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ижобий ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олиш;
- вазминлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик, меҳр-шафқатлилиқ, шижоатлилиқ, фаоллик, сабр-тоқатлилиқ, бардошлилик, чидамлилиқ, ҳаракатчанлик каби иродавий сифатларга эга бўлиш;
- жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда иштирок этиш;
- ҳаётдаги турли вазиятларда ҳам тезкорлик билан қарорлар қабул қилиш;
- ёш спортчиларда касбий, шахсий ва кундалиқ ҳаётда учрайдиган ҳолатларда самарали ҳаракат қилишга имкон берадиган амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- умумбашарий аҳамиятга эга бўлган кадриятларни (урф-одатлар, маросимлар, миллий-маданий анъаналар ва ҳ.к.) билиш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, саҳийлик, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш;

- миллий маданиятимизнинг ўзига ҳослигидан келиб чиқиб, ўз шогирдларини бадиий-ахлоқий тарбиялаш ва камол топтиришда миллий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланиш;

- ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш;

- умуминсоний қадриятлар ва миллий маданиятимизни асосларини эътиборга олиб таълим-тарбия мазмунини шакллантириб бориш;

- ўз шогирдларининг руҳиятларига мос равишда мулоқотда бўла олиш.

Шундай қилиб, спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш унинг тажрибаси, фаолиятга тайёргарлик даражаси, ўз устида мунтазам ва тизимли ишлаши, билим, кўникма, малакаларини тинимсиз янгилаб бориши, энг янги ахборотлардан хабардор бўлиш, иш фаолиятида самарадорликни таъминлаш, ҳар қандай муаммо моҳиятини билиш, уни ҳал қилиш каби сифатларга эга бўлишни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”. 2015 йил 4 сентябрь, ЎРҚ-394-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Таълим тўғрисида” (янги таҳрири). 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.

3. Бегимқулов З.А. Спорт мактаблари тренер-ўқитувчилари маънавий-маърифий фаолиятининг долзарб масалалари. // “Жисмоний тарбия ва спорт” журнали, 2021 йил 2-сон, 23-бет.

4. Педагогик атамалар луғати. – Тошкент: Фан, 2008. – 62-б.

5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Кониғил. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 682-б.

ҲОЗИРГИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА ЎҚИТУВЧИ РОЛИНИ ОШИРИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Сапиева Наргиза Мамаюсуповна,

Сурхондарё вилояти Денов туман 17-АФЧЎМИ директори

Аннотация: Ушбу мақолада инновацион фаолиятнинг бугунги кундаги натижаси, жамият тараққиёт даражасидаги технологик ўзгаришлар,